Умматимнинг охирида сизларга сиз ҳам оталарингиз ҳам эшитмаган сўзларни сўзлайдиган одамлар чиқади. Ўзингизни улардан, уларни ўзингиздан узоқ тутинг!», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллох соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимнинг охирида сизларга сиз ҳам оталарингиз ҳам эшитмаган сўзларни сўзлайдиган одамлар чиқади. Ўзингизни улардан, уларни ўзингиздан узоқ тутинг!», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда У зот умматларининг охирида ёлғон тўқийдиган одамлар бўлиши, улардан олдин ҳеч ким айтмаган нарсаларни ва тўқилган ёлғон ҳадисларни айтишларини хабар бердилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни тўқима хадислари қалбдан жой олиб, қутилишдан ожиз қолмаслигимиз учун улардан узоқлашишга, бирга ўтирмасликка ва эшитмасликка буюрдилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65076